

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ СПОРТ ТУРЛАРИ ОММАВИЙ СПОРТНИНГ ИЖТИМОЙ МЕЪЗОНИ СИФАТИДА

Б.Ш.Мадаминов

*Наманган давлат университети Факультетлараро  
жисмоний маданият кафедраси доценти*

**Аннотация:** *Оммавий спортда интеллектуал салоҳият инсон тафаккурининг қисқа фурсатда аниқ фаоллашиш ҳолати бўлиб, кишиларнинг янги гоё, билим, интеллектуал кўникма ва малакаларни юқори тезликда ўзлаштиришини таъминлайди. Спортда «интеллектни» бошқаришнинг социологик назариялардаги асоси объектив жиҳатдан “яққол” хусусиятга эга “яширин” интеллект ўртасидаги тафовутлар орқали ажралиб туради.*

**Калит сўзлар:** *тарихий, интеллект, оммавийлашув, мавҳум, салоҳият, қобилият, тасниф, меъзон, менталитет, федерация, латент.*

**Аннотация:** *Интеллектуальный потенциал в массовом спорте – это состояние явной активации человеческого мышления при кратковременном удобном случае, обеспечивающее высокую скорость усвоения людьми новых идей, знаний, интеллектуальных умений и навыков. Обоснование контроля «интеллекта» в спорте в социологических теориях объективно выделяется через различия между “скрытым” интеллектом, имеющим “явный” характер.*

**Ключевые слова:** *исторический, интеллект, популяризация, аннотация, приветствие, способность, классификация, проповедь, менталитет, федерация, латент.*

**Annotation:** *Intellectual potential in mass sports is a state of explicit activation of human thinking in a short-term opportunity, which ensures a high rate of assimilation of new ideas, knowledge, intellectual skills and abilities by people. The rationale for the control of “intelligence” in sports in sociological theories is objectively distinguished through the differences between “hidden” intelligence, which has an “explicit” character.*

**Key words:** *historical, intelligence, popularization, abstract, greeting, ability, classification, preaching, mentality, federation, latent*

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтказилган 44-Бутун жаҳон шахмат Олимпиадасида ўзбек шахматчилари Нодирбек Абдусаттаров, Жаҳонгир Воҳидов, Жавохир Синдаров, Нодирбек Якуббоев ва Шамсиддин Воҳидовларнинг тарихий галабаси, ушбу интеллектуал спорт ўйинини мамлакат бўйлаб янада оммавийлашуви учун навбатдаги омиллардан бири саналади. “Тарихимизда жуда катта из қолдириш ва ўзбек миллати нималарга қодир эканлигини яна бир марта намойиш этди. Мен жуда хурсандман, кайфиятимга кайфият қўшилди. Бутун халқимиз сизларни олқишламоқда. Ўзбекистонда бутун катта байрам” – деб чемпионларни табриклади мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев. «Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан

айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким-ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан», дея таъкидлади мамлакат Президенти.<sup>18</sup> Ушбу натижалар орқали биз оммавий спортда интеллектуал салоҳиятнинг ҳам ўрни ниҳоятда беқиёс эканлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Социологик адабиётларда интеллектуал салоҳият “интеллект” атамаси орқали изоҳланади. У лотин тилида «*intellego*» ёки «*intellectus*» – ҳис этиш, сезмоқ, таъсирланмоқ, англаш, билиш, тафаккур қилиш, фарқига бориш каби маъноларни англатади.<sup>1</sup> Айрим манбаларда салоҳиятнинг ўзи ҳам интеллект маъносини англатиб, руҳиятга хос сифат ва хусусият асосида, янги вазиятларга мослашиб таълим олиш қобилияти, тажриба асосида хотирани кучайтириш, мавҳум бўлган ҳодисаларни англаш ва уларни амалиётда қўллай билиш, эгалланган билимлардан ўзини ўраб турган атроф-муҳитни бошқаришда фойдалана олиш қобилиятини билдиради. Шундан келиб чиқиб, интеллектни инсоннинг ҳис этиш, англаш, хотира, тасаввур, тафаккур қилиш, диққатни жамлаш, идрок этиш ва рефлексив хусусиятларининг йиғиндисини тушунишимиз мумкин. Интеллектуал, ёки интеллект жиҳатидан қобилиятли, ёки ўта салоҳиятли инсонларда интеллектуал фикрлаш қобилияти юксак даража ривожланган бўлиб, одатда улар ақлий меҳнат билан нафақат мия ва руҳиятни, балки ўз таналари қувватларини ҳам сезиларли даражада ошириб борадилар.

Спортнинг ўзига хос тури ҳисобланган шахмат (шатрандж) тури чин маънода интеллектуал салоҳиятга мос бўлиб, ҳозирги кунга қадар оммавий спорт турлари ичида муҳим ўрин тутди. Интеллект сўзининг мазмуни ўзбек тилидаги адабиётларда интеллект, идрок, заковат ёки интеллекти жиҳатдан етуклик сифатида келади<sup>2</sup>. «Интеллект, олинган маълумотларни (меҳнат воситасини) тартибга солиш ва оқилона умумлаштиришни ўзида ифодаладиган инсон қобилияти тизими бўлиб, у ўз эгасидан бегоналашмаган ва интеллектуал ишлаб чиқаришнинг асосий омили сифатида намоён бўлади»<sup>1</sup>.

Социологик жиҳатдан олиб қаралса, интеллектуал салоҳият ижтимоий-маънавий ва психологик категория бўлиб, ўзида иждоқорлик позицияси ва интеллектуал қобилиятни пайдо қилади. Тажрибага кўра салоҳият заминида инновацион ғояларни амалиётга жорий этиш учун ижтимоий тажрибанинг аҳамияти юқорилиги таъкидланади. Ҳар қандай интеллектуал салоҳият, ўз навбатида шахматни ҳам воқеа-

<sup>18</sup> Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти [//uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017](http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017)

<sup>1</sup> <http://linguaeterna.com/vocabula/show.php?n=23572>

<sup>1</sup> Ёрқулов Ҳ.О. Ўтиш даври давлат сиёсатида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари. / Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент 2007. – Б. 12

ходисаларнинг ўзига хос шакли сифатида социологик тажриба асосида баҳолайдиган бўлсак, у жараён учун илмий прогноз беради ва мушоҳада қилади».

Оммавий спортда ҳам интеллектуал салоҳият инсон тафаккурининг қисқа фурсатда ва аниқ фаоллашиш ҳолати бўлиб, кишиларнинг янги ғоя, билим, интеллектуал кўникма ва малакаларни юқори тезликда ўзлаштиришини таъминлайди. Шундай бўлса-да, интеллектуал салоҳият махсус таълим ёки касбий-амалий тажрибаси бўлмаган шахслар фаолияти самарадорлигини кафолатламайди.<sup>2</sup> Спортда «интеллектни» бошқаришнинг социологик назариялардаги асоси объектив жиҳатдан «яққол» ва субъектив хусусиятга эга «яширин» интеллект ўртасидаги тафовутлар орқали ажралиб туради. Объектив мезонлар асосида ходимнинг меъёрий аҳамиятли интеллектуал салоҳиятини баҳолаш илмий асосланиши мумкин. Аммо, субъектда интеллектуал жиҳатлар уникал, яъни алоҳида ўзига хос тарзда мужассамлашган, ижодий фаолият ўзагини ташкил этувчи билим ва тажриба ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминловчи яширин қобилиятларни баҳолаш методикаларига эҳтиёж сезади. Жумладан, энг сўнгги пайтда Ўзбекистон спорт федерацияси миллий терма жамоаси аъзолари учун халқаро даражадаги гросмейстер И.Соколовни таклиф этмаганида, балким ушбу натижаларга эришилмаган ҳам бўлиши мумкин эди. Шу боис, замонавий шарт-шароитларда ходимлар интеллектининг латент қирраларини очиш усуллари яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Табиийки, ҳар қандай жамиятда интеллектуал салоҳият учун яратиб берилган шарт-шароит ундаги интеллектуал қобилият, тафаккур тарзи, билим даражаси, илмий ёндашув, кашфиёт ва жорий этилганлик билан изоҳланади. Илғор онг ва тафаккур даражасига эга бўлган кишилар жамият интеллектуал салоҳиятининг бир қисми бўлиб, улар тараққиётга етакловчи, ҳаракатга келтирувчи, такомиллаштирувчи, тараққиёт омилларини белгиловчи мезон ҳисобланади. Жамиятнинг модернизациялашуви шароитида ва олиб борилаётган истикболли ислохотларнинг таъсирида шаклланиб бораётган бугунги кун кишиси «форматив» босқичда бўлган ёшлар учун янгича қадрият, интилиш, ҳавасларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Илмий жиҳатдан айтганда, инновацион жамият ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари ва замон руҳига мослашишни талаб этади.

Ижтимоий-иқтисодий илмий адабиётларда «салоҳият» тушунчаси у ёки бу мақсадларга эришиш учун сафарбар қилинадиган заҳира, манба, имкониятлар мазмунини англатади. Ёшлар интеллектуал салоҳияти, ёки интеллектуал ёшлар даражасини маълум бир индивиднинг ўз мақсадларини намоён этиш ва унга эришиш йўлида қобилиятни намоён этиши тушунилади. Бунда эгалланган таълим даражаси, билим, қобилият, кўникмалардан ташқари кишининг ўз олдига қўйган мақсадларни янада ривожлантириб бориш режалари муҳим роль ўйнайди. Интеллектуал салоҳият эса инсон фаолиятидаги интеллектуал қирраларини акс эттирган касбий ваколат масалалари билан алоқадор масалаларни акс эттиради.<sup>19</sup>

<sup>2</sup> Энциклопедия карьера <http://znanie.info/portal/ec-main.html>

<sup>19</sup> Слободчикова И.В., Боджаева В.В. Интеллектуальнкй потенциал молодежи как фактор развития экономики региона // Фундаментальные исследования. – 2015. - № 11-1. – С. 199-202

Ҳозирда ёшлар ижтимоий қатлам сифатида дунё аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этмоқда. Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатдан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки, улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда»<sup>2</sup>. Аҳолининг ушбу қатлами инсон капитали нуқтаи-назаридан қудратли кучни ўзида мужассам этади. Шу боис, «жамиятимизда аҳоли, айниқса, ёш йигит-қизларимизнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш-биринчи даражали аҳамиятга эгадир»<sup>3</sup>. Алоҳида таъкидлаш керак, инсон ўртача 14 ёшда жисмоний етукликка эришади. Қадимги жамиятларда тахминан шу ёшда болалар инициацияси, яъни катталар қаторига қўшилишнинг ритуалли маросимлари ўтказилган. Жамиятнинг ривожланиб бориши билан катталар билан ҳисоблашишда нафақат жисмоний етуклик, балки дунёвий билимларга эгалик, касбий кўникмаларни ҳосил қилиш, ўзи ва оиласини мустақил таъминлаш малакасига эга бўлиш талаб этила бошланди. Билим ва кўникма, интеллектуал салоҳият кўлами тарихий даврлардан кенгайиб борар экан, етуклик мақомига эгалик даври борган сари орқага сурилиб борди. Шу сабабли, замонавий жамиятларда инсоннинг етукликка эришиш даври ўртача 30 ёшни ташкил этмоқда. Балким ушбу жараён умрнинг узайиши ва демографик муаммолар билан ҳам баҳоланиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётда ёшлик ўзига хос ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида баҳоланади. У, биринчидан: ёш тавсифлари; иккинчидан: ижтимоий мақом хусусиятлари; учинчидан: ўзига хос индивидуал тафаккур, интеллектуал салоҳият ва дунёқараш йиғиндисини ташкил этади. Ёшлик жамиятдаги ижтимоий мақомига кўра, болалик ва ўсмирликдан ижтимоий масъулиятли етукликка ўтиш даври саналади. Жисмоний-интеллектуал етукликка интилиш босқичидан ўтаётган қатлам сифатида уларда шахс шаклланиши, билим, ижтимоий меъёр ва тартибларни ўзлаштириш содир бўлади. Ёшлик етуклика ўтиш даври саналганлиги боис, айрим ёшларда ижтимоий етуклик кузатилса, айримларида аксинча, содаллик, инфантиллик, ижтимоий пассивлик кузатилади. Лекин, ҳар доим ҳам ушбу жиҳатлар кузатилавермайди. Хусусан, ўзбек шахматчиларининг ўртача ёш даражасига эътибор қаратадиган бўлсак, у 21 ёшни ташкил этади. Энг истеъдодли икки ёш шахматчимиз Жавоҳир Синдоров 16 ёш ва Нодирбек Абдусаттаровнинг 17 ёш эканлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳар бир давлат, жамият, халқ ўз истикболи, равнақи, ривожланишини биринчи навбатда табиий заҳиралари, қазилма ва бошқа бойликларидангина эмас, балки илмий салоҳияти, интеллектуал қобилияти, ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб етиши асосида такомиллашади. Президент Ш. Мирзиёев 44-жаҳон олимпиадаси чемпионлари бўлган шахматчи йигитларни “Мамлакатнинг олтин фонди” – деб баҳолайди. Маълумки, бугунги кунда жаҳон мамлакатларида «ёшлар» тушунчаси турлича тасниф қилинади. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида аҳолининг 16

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нуктидан. 2018 йил 19 сентябрь. – 1. Б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 24.01.2020.

ёшдан 30 ёшгача (баъзан 35 ёшгача) бўлган вакилларига ёшлар сифатида қаралади. ЮНЕСКО эса 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизларни ёшлар сирасига киритади. Аксарият МДХ давлатларида эса (жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам) 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ёшлар ҳисобланади.<sup>20</sup> Бугунги кунга келиб ёшларга оид сиёсат юритиш, бу борада муайян сиёсий институтлар, жамоат ташкилотларининг фаолият олиб бориши кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатлар қонунчилигида салмоқли ўрин тутаяди.

Спорт соҳасида ҳам бошқа касбларда бўлгани каби интеллектуал соҳада ривожланишда меҳнатнинг ўрни ва роли беқиёсдир. XIX асрда яшаб, ижод қилган, атоқли немис файласуфи Иммануиль Кант, «Меҳнат ҳаётдан қониқишнинг яхши усули. Инсон меҳнатдан шунинг учун ҳам роҳатланадики, меҳнат қилиш жараёнида у машаққатларни бошидан кечиради»,<sup>21</sup> деб баҳолайди. Г.Гегель эса «Меҳнат инсоннинг моҳиятини белгиловчи асосий омилдир»<sup>22</sup>, деб ҳисоблаган. Интеллектуал меҳнат қанчалик мукаммал амалга оширилса, у инсонга ижтимоий ҳаётда шунчалик кўп журъат ва эркин яшаш имконини беради. Кишининг интеллектуал меҳнат жараёнида юзага келадиган тафаккури ва истеъдоди унинг табиати (ижтимоий характери)ни шакллантиради. Ўзига хос бўлган бу тоифа, яъни «интеллектуал шахс»лар кам сонли бўлиб, ҳаёт фаолиятининг асосий соҳаси, яшаш усули анъанавий жамиятларда мураккаблик ва тўсиқларга кўп учрайди. Шу боис, замонавий жамиятда уларнинг имконият топганлари тараққий этган мамлакатларнинг илғор университет, ёки тадқиқот марказларига чиқиб кетадилар. Бу билан нима дейиш мумкин? Замонавий жамиятларда интеллектуал спорт тури бўлган шахматчи инсонларни эҳтиёткорлик билан асраб авайлашдан ташқари, улар билан ўзаро муносабатларни йўлга қўя олиш ҳам муҳим масаладир. Бугун АҚШ ва Европанинг қатор ривожланган мамлакатлари шарафини, кўп ҳолатларда ўзга юртларнинг истеъдодлари ҳимоя қилиши шундан далолат беради.

Ёшлар меҳнат фаолиятини такомиллаштиришда “менталитет” ва “идентиклик”нинг ўрни муҳим. Миллий менталитетнинг асрлар давомида ижобий, ёки самарали шаклланиши меҳнатга бўлган муносабатларда, ундаги прагматизм хусусиятларига хос бўлган. Турли даврларда жамият ўз аъзоларидан меҳнатга нисбатан ҳурмат дунёқарашини шакллантириш, ундан бегоналашув ҳиссини ўзгартириш, ҳар бир кишига болалиқдан бошлаб ўз меҳнатини сарф қилиш, аниқлаб олиш шакллари мустақил белгилашга имконият яратилган. Аммо, у ҳамма вақт рисоладагидек кечмаган. Социологик тадқиқотларда ўсмир ва ўспиринликдан бошлаб шахс «камолоти»га эришув йўлларида касбни атрофдагилар (ота-оналар, танишлар, нуфузли-обрўли шахсларга нисатан ва б.) танлашган. Халқ мақолларига мурожаат қилиб айтилса: «бир одамга қирқ хунар ҳам оз». Лекин эътироф қилиш керакки, бу

<sup>20</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.

<sup>21</sup> Кант И. Сочинение. Т.6., М.: “Наука”, 1996. – С. 475

<sup>22</sup> Гегель Г. Сочинение, Т.3., М.: “Наука”, 1997. – С. 65

каби мақол, маталларнинг ахборотлашган жамиятда аҳамияти йўқолмоқда. Унинг ўрнига «тор мутахассислик» ибораси кўп қўлланиладиган бўлинди. У бевосита қобилият билан боғлиқ. Одатда психологлар «қобилият»нинг умумий ва махсус турларга бўлиб ўрганадилар. Умумий қобилиятлар шахснинг ҳар қандай фаолиятга киришишида муваффақият учун имконият яратса, махсус қобилият фақат айрим йўналишдаги фаолият турида муваффақиятга эришиш учун асос бўлади.<sup>23</sup> Аммо ҳар қандай қобилият меҳнат муносабатларига боғлиқ бўлади.

Менталитет ва меҳнат тушунчалари бир-бири билан фалсафий жиҳатдан узвий боғлиқ бўлиб, таъкидлаш мумкинки – диалектик мазмун касб этади. Ҳар бир халқнинг миллий менталитети шаклланиши, ривожланиб боришида меҳнат муносабатлари муҳим ўрин тутди. «Меҳнат менталитетга нисбатан ҳаракатлантирувчи куч бўлса, ўз навбатида менталитет меҳнатга нисбатан фаолиятни белгиловчи миллий шакл беради».<sup>24</sup> Кишилардаги мавжуд меҳнат менталитети инсон, миллат, халқ характериани тавсифлаб берувчи омилга айланади. Аммо меҳнат менталитети мавзуси кўп ҳолларда тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолмоқда. Интеллектуал меҳнат менталитети масаласи бугунги Ўзбекистон жамиятида қанчалик самарали йўлга қўйилган – бунинг изоҳига илмий жиҳатдан жавоб топиш вақти келди. Чунки, илмий манбалар билан ишлаш, уларни қиёсий таҳлил этиш, ўз фикрини қоғозга тушира олиш, таҳлилий матн билан ишлаш, ёзишмаларда ўз фикрини баён этиш даражаси ҳамон сустигича қолмоқда. Бунинг сабаби сифатида интеллектуал интеллектуал меҳнатнинг турмуш тарзимизда кенг қулоч отмаётганлиги, мутолаа ва ижодкорлик масалаларида «портлаш» эффекти юз бермаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Халқнинг миллий характериани намоён этишда интеллектуал меҳнатнинг ўрни катта. У инсоннинг теран тафаккур фаолиятини нафақат жамият, балки кишилиқ дунёси билан боғлайди. Интеллектуал меҳнат миллий менталитет, халқ характерианинг мазмун моҳиятига улуғворлик шакли ва сайқалини беради. Агар у ростдан ҳам тобланган меҳнатга айлана олса. Интеллектуал меҳнат менталитети миллатнинг ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, миллий руҳиятни намоён этиш усулидир. Интеллектуал меҳнат ижтимоий моҳиятига кўра чекланиш, бегоналашув, тенгсизлик, хурофот, адолатсизлик, қонун бузилишларига барҳам беради.

Шахс меҳнат билан камолотга эришиши маълум. Меҳнатга бўлган ижтимоийлашув биринчи навбатда оиладан бошланади. Ўзбек оилалари мисолида болалар интеллектуал интеллектуал меҳнатнинг шаклланиши ва ривожланиб бориш ҳолатлари бугунги кунда қуйидаги тартибда кечмоқда. Биринчидан, давлат таълим муассасалари (боғча, мактаб); иккинчидан, имконияти кўтарган ва кунт қилганлар турли репетиторлик курсларига; учинчидан, тўлиқ имконияти борлар хусусий мактаб ва гимназияларга ўз фарзандларини берадилар. Аммо менталитетдаги айрим салбий стереотип хусусиятлари ва ахборотлашган жамиятнинг кучли босими остида

<sup>23</sup> Қаранг: Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. Т.: “Akademiya”, 2006. – Б. 25-26

<sup>24</sup> Турғунбоев Ф. Истиқлол ва меҳнат менталитети. Фарғона, 2003. – Б. 12

кўпчилиқ ота-оналар ўз фарзандларининг қобилият ва лаёқатларини аниқлай олмайдилар. Репетиторликка боғланиб қолиш икки хил ҳолатда: англаган ва англамаган ҳолатда кечмоқда. Англаган боғлиқлик мақсадли бўлиб, у жуда ёшлиқ даврдан махсус кўрсатмалар орқали амалга оширилса, англамаган боғланишда, ота-оналар репетиторга ўз фарзандларини бериш «давр талаби» сифатида олиб қаралмоқда. Бу ерда ички руҳият тарбияси ижтимоий муаммо сифатида акс этади.

«Одамнинг феъл ва хатти-ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳиятни тарбиялаш лозим. Руҳиятни тарбиялаш иши сўзсиз оиладан бошланади. Инсон, аввало, оиладан руҳий қувват, руҳий озуқа олади. Оилада бола она тилини, шунингдек, урф-одат ва қадриятларни, айниқса, меҳнат анъаналарини ўрганади, ота-оналарнинг бевосита таъсири остида унда меҳнатга онгли муносабат тўлароқ шакллана боради».<sup>25</sup> Биз бу ерда тарихий хотира ва тарихий онгнинг хусусиятларини кузатишимиз мумкин.

Мутахассис экспертларнинг фикрича, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида содир бўладиган турли хил ўзгаришлар меҳнатга нисбатан онгли муносабатда бўлишлиқни, меҳнатни, хусусан интеллектуал меҳнатни рағбатлантиришнинг янги тизимини шакллантирмай туриб, инновацион тараққиётни юзага келтириш мушкуллигича қолади. Замонавий прагматизм вакили бўлган ҳозирги авлод ўз меҳнати қадрланадиган жойда фаолият юритишни маъқул кўриши сир эмас. Унга муносиб иш жойи яратиб берилмаса, шарт-шароитлар ва имконият учун қонунчилик тизими назоратга олмаса, қисқа фурсатларда интеллектли меҳнат миграциясида иштирок этишга чоғланади. XX асрнинг буюк назариётчиларидан бири, социолог-футуролог Э.Тоффлер ҳозирги жамиятда «Янги киши шаклланаётгани йўқ, янги социал характер шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам биз мифологик «одам» қиёфасини эмас, балки унинг характеридаги ўзига хос белгиларини аниқлашимиз даркор, чунки улар келажак тараққиётни белгилаши мумкин»<sup>26</sup>, деб ёзган эди.

XXI асрда илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланиб, тобора юксак босқичга чиқмоқда. Истиқболда шахс интеллектуал маданиятини ривожлантириш воситалари сифатида компьютер технологиялари, таълим соҳасининг мавжуд моддий-техник базаси, замонавий инновацион-педагогик технологиялар, санъат, бадий ва илмий-маърифий адабиётлар, илм-фан соҳасидаги янгидан янги ихтиролар, ютуқлар ҳамда барча билим даргоҳларини олишимиз мумкин.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти муносабатлари модернизациялашуви муаммоларидан бири ҳисобланган халқимизнинг, асосан шахснинг интеллектуал маданият даражаси билан жамият интеллектуал маданиятини ўзаро амал қилиш доираси, бир-бири билан таъсирлашув хусусиятларини ижтимоий-фалсафий ва маданий жиҳатдан тадқиқ этиш республикамизда мутахассис-кадрларни замонавий илм-фаннинг илғор ютуқларини амалий ҳаётга қўллай оладиган юксак илмий салоҳиятга эга бўлган зиёли инсон сифатида тарбиялаш жараёнида йўл қўйилиши

<sup>25</sup> Умурзақов Б., Раҳимов М. Меҳнат муносабатлари ва менталитет. Тошкент, «Ўзбекистон», 2005. – Б. 62-63

<sup>26</sup> Тоффлер Э. Третья волна. – М.: «Аст», 1999. – С. 602

мумкин бўлган хато-камчиликларни олдини олишга ёрдам беради. Хусусан, ёшларнинг интеллектуал маданиятини ривожлантириш борасида таълим даргоҳларида катта ишлар амалга оширилмоқда. XX асрнинг улуғ мутафаккир социологи Э.Гидденс ушбу масала бобидаги қарашлари қизиқарли: «Кўп йиллардан бери психологлар «Интеллект деб номлаш мумкин бўлган инсоннинг яхлит қобилияти ҳақиқатан ҳам мавжудми?» – деган саволга жавоб ахтаришади, агар у бор бўлса, инсоннинг туғма хусусиятларига қандай асосланади? Интеллектга таъриф беришингиз қийин, чунки у бир-бири билан боғланмаган кўп сифатларни ҳам ўз ичига олади. Биз, «тоза» ҳолдаги интеллект бу математик масалаларни ечишга кўра қобилятдир деб ҳам тахмин қилишимиз мумкин. Аммо математик масалаларни ёнғокнинг пўчоғидай қарсиллатиб ечаётганлар тарих, санъат бобида жуда чекланган тушунчаларга эга бўлиши мумкин».<sup>27</sup>

Умуман бугунги кунда интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялаш ўз навбатида маърифатга эга бўлган интеллектуал маданиятли шахс даражасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳазрат Навоий таъкидлаганидек, «Эл нетиб топқай мениким, Мен ўзимни топмасам» – деган мисраларини тадқиқот ишимизнинг асосий ғояси сифатида илгари суриш мумкин. Улуғ рус мутафаккири Ф.Достоевский шахснинг ўзини ўзи такомиллаштириш, шакллантириш ва тарбиялаш масаласида таъкидлаган фалсафий фикрларига эътибор қаратиш керак: «... Сакраш керак эмас, балки аввал узоқ меҳнат қилиб ўзида инсонни тиклаш керак, ундан сўнг сакраш қилинг»<sup>28</sup>. «Ҳаётинг жасорат йўлида ўсиб, улғайиб, қувват олиб борадиган янги қалб, ички дунёси янги инсон дунёга келиши керак. Гап сиёсий ёки партиявий дастурларнинг ўзгариши ҳақида эмас (зиёлилар одатда янгиланишни бусиз тасаввур этишмайди), умуман, дастурлар ҳақида эмас, аммо бундан улканроқ бўлган инсон шахсининг ўзи ҳақида, фаолият ҳақида эмас, арбоб ҳақида бормоқда. Бу ўзгариш ботинда, инсон қалбида кўзга ташланмай содир бўлади, аммо кўз илғамас агентлар жисмоний дунёда ҳам кучли бўлар экан, маънавий соҳада ҳам уларнинг кучини, у алоҳида дастур параграфларида назарда тутилмаганлиги учун инкор этиб бўлмайди».<sup>29</sup>

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72 сессиясида сўзлаган нутқидан. 2018 йил 19 сентябрь. – 1. Б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга муурожаатномаси. 24.01.2020.
3. Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни. 20 ноябрь, 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси. 1992 й. 2-сон.

<sup>27</sup> Гидденс Э. Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. / Тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 479



4. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий веб-сайти//[uza.uz/uz/politics/shavkat-mirziveev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017](http://uza.uz/uz/politics/shavkat-mirziveev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017) <http://linguaeterna.com/vocabula/show.php?n=235724>.

5. Русча-ўзбекча луғат. 2 Т. – Тошкент. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1983. - Т.: - Б. 394.

6. Ёрқулов Ҳ.О. Ўтиш даври давлат сиёсатида интеллектуал салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари. / Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент 2007. – Б. 12

7. Қаранг: Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. Т.: “Академиа”, 2006. – Б. 25-26

8. Турғунбоев Ф. Истиқлол ва меҳнат менталитети. Фарғона, 2003. – Б. 12

9. Умурзақов Б., Раҳимов М. Меҳнат муносабатлари ва менталитет. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2005. – Б. 62-63

10. Булгаков С.Н. Героизм и подвижничество // Вехи из глубины. М.: 1991. – С.63  
Тоффлер Э. Третья волна. – М.: «Аст», 1999. – С. 602

11. Гидденс Э. Социология: Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. / Тарж. Н.Маматов ва Ж.Бегматов – Т.: Шарқ, 2002. – Б. 479